

24. Jumanazarov S. B. Jabbarov A.A., Xodjanova SH.I. Vliyanie eritropoetina na eritropoez u bolnix s xronicheskoy boleznyu pochek diabeticheskoy etiologii na preddializnih stadiyakh // Vestnik Tashkentskoy Meditsinskoy Akademii. - Tashkent, 2017; 2: 5-8.
25. Aytbaev K.A. i dr. Nefrogennaya anemiya: progress v ponimanii patofiziologii i potencial novix podxodov k bezopasnoy terapii // Klinicheskaya laboratornaya diagnostika. - M., 2017; 61(2): 735-741.
26. Lapina E. S. Struktura prichin jelezodefitsitnogo sostoyaniya u patsientov s terminalnoy stadiyej xronicheskoy bolezni pochek / E.S.Lapina, M.M.Batyushin // Innovatsionnie texnologii v terapii: ot klinicheskix issledovaniy k praktike: materiali mejregionalnoy konferensii terapevtov Yuga Rossi.- Rostov-na-Donu, 2014.-s.87-88.
27. Milovanov YU.S. i d. Faktori riska razvitiya anemii na rannix stadiyakh xronicheskoy bolezni pochek. // Terapeuticheskiy arxiv. - M., 2017; 89(6): 41-47.
28. Egamberdieva D. A., Sultanova S.M. Korreksiya renalnoy anemii v dodializnih stadiyakh xronicheskoy bolezni pochek s uchetom metabolizma jeleza. //Terapeuticheskiy vestnik Uzbekistana. - Tashkent, 2018; 4: 107-109.

Поступила 03.06. 2019

УДК:616-005+616-019

## **ҲОМИЛАДОРЛИК, ТҮГРУҚ ВА ТҮГРУҚДАН КЕЙИНГИ ДАВРЛАРДА ВИЛЛЕБРАНД КАСАЛЛИГИ ВА ДВС-СИНДРОМИ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИ**

*Жумаев М.Ф., Мамасалиев Н.С., Ибрагимова С.Р.*

Андижон давлат тиббиёт институти ва РШТЁИМ АФ, Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме*

*Кенг тарқалган ва тавсия этилган клиник тавсиялар таҳлил қилинади. Виллебранд касаллиги ва ДВС синдроми бўлган ҳомиладор аёлларни ҳомиладорлик даврида, түгруқ давомида ва түгруқдан кейинги даврда олиб бориш масалалари ёритилган.*

*Ключевые слова: ҳомиладорлик, түгруқ, түгруқдан кейинги давр, Виллебранд касаллиги, ДВС-синдром.*

## **ТАКТИКА ВЕДЕНИЯ БЕРЕМЕННОСТИ, РОДОВ И ПОСЛЕРОДОВОГО ПЕРИОДА У БОЛЬНЫХ БОЛЕЗНЮ ВИЛЛЕБРАНДА И ДВС-СИНДРОМОМ**

*Жумаев М.Ф., Мамасалиев Н.С., Ибрагимова С.Р.*

Андижанский государственный медицинский институт и АФ РНЦЭМП,  
Бухарский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме*

*Обсуждаются широко рекомендованные клинические рекомендации. Освещены практические аспекты ведения родов и послеродового периода у беременных с болезнью Виллебранда и ДВС-синдромом.*

*Ключевые слова: беременность, роды, послеродовой период, болезнь Виллебранда, ДВС-синдром.*

## **TACTICS OF THE MANAGEMENT OF PREGNANCY, GENERA AND THE OTHER LOCAL PERIOD IN PATIENTS WITH VILLEBRAND DISEASE AND ICE SYNDROME**

*Jumaev M.F., Mamasaliev N.S., Ibragimova S.R.*

Andijan State Medical Institute and AF RSCEMP,  
Bukhara State Medical institute named after Abu Ali Ibn Sina.

✓ *Resume,*

*Widely recommended clinical guidelines are discussed. The practical aspects of the management of labor and the postpartum period in pregnant women with von Willebrand disease and DIC are described.*

*Key words: pregnancy, childbirth, the postpartum period, Willebrand disease, DIC.*

### **Долзарблиги**

**Ү**шбу касалликнинг 3-типи ва турли оғирлик дара- жалари ҳомиладорлик даврида учрайди. Касалликнинг моҳияти-патологик ўзгаришга учраган Виллебранд омили билан келтирилиб чиқариладиган атосомли наслий геморрагик диатез бўлиб ҳисобланади. Виллебранд омили (ВО) эндотелиал ҳужайралар ва мегакариоцитлар томонидан синтезланадиган оқсил, у тромбоцитлар қопқоқларни ҳосил бўлишида иштирок этади ва зардобда VII-чи омилни парчаланишдан ҳимоялайди. Касаллик гени 12-чи хромосомада жойлашган. Аниқ сабаби ноаниқ, умумий популяцияда учраб туриши ҳар 100 000 аҳолига 2 та га тўғри келади

ёки аҳоли орасида орфанди касаллик сифатида учрайди. ВО VIII омилни ажралишида бевосита иштирок этади [3,9].

Унинг учун хос белги умрбод қон оқишига мойилликни сақланиб туриши ва унга қўшилиб куйидаги аломатлар аниқланади: Қон кетиши енгил даражасида ўзгармайди ва оғир даражасида узаяди, тромбоцитлар сони нормада қолади (2В типида пасяди), АЧТВ оғир даражаларида узаяди ва енгил даражасида ўзгармай қолади, протромбин вақти меъёрда қолади, VIII омил камаяди ВО антигени камаяди (латексли иммунли таҳлил билан ёки ELISA усули ёрдамида аниқланади), ристоцетин-индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси (ВОни ристоцетинга юқори сезигирлиги-2В

типда бўлади), SDS-электрофарезда ВОнинг мультимерли структураси аниқланади ва деярли барча ҳолларда ВОнинг коллаген-ушловчи фаоллиги камаяди (бундан тип 2N истисно) [1,7,10].

Алоҳида ўзига хос клиник жиҳатлари: енгил шаклида тери геморрагиялари -"кўкаришлар" ёки ондасондаги петихиялар, меноррагия ва гоҳи-гоҳида бурун қонашлари билан ифодаланади. Оғир шаклида эса кўламли ва давомли қон кетишлар кузатилади, бўғимларга қон қўйилиши ва юмшоқ тўқималарда катта гематомалар келиб чиқиши мумкин [2,6].

## Мақсад

Кенг миқёсда ўтказилган клиник изланишлар натижаларини ўрганиш асосида ҳомиладорлик, тугруқ ва тугруқдан кейинги даврларда виллебранд касаллиги ва двс-синдроми билан беморларни олиб бориши тактикаси таҳлилини ўтказиши.

## Натижа ва таҳлил

Виллебранд касаллигига терапевтик ва акушерлик тактикаси

Ҳомиладорлик даврида ушбу хасталик учун хавф тугдирадиган ёки уни оғирлаштириб она ва бола учун ҳамда тугруқ жараёнинга таҳдидини оширадиган пайтлар бўлади. Бунинг натижасида бола ташлаш, сунъий abort, қон оқиши ва қон йўқотиш хавфини ортиши ( $>30\%$ ), йўлдошни барвақт ажралиши, массив қон кетиши кабилар кузатилади.

Бундай патологик даврларга қўйидагилар киритилади:

1) тугруқдан кейинги ёки ўтказилган Кесарча усулда кесиши операциясидан кейинги 2-3 ҳафта;

2) ҳамроҳ касалликлар бўйича кўп турли доридармонлар қўлланилган соатлар ва кунлар (кўйидаги дорилардан айниқса-антиагрегантлар (аспирин, теоникол, теофилин, курантил), антикоагулянтлар, НЯҚ (ностероид яллиганишга қарши)-преператлар (бутадион, индометацин), аналгетиклар, реополиглюкин ва пастмолекуляр декстранларки гестацион даврда, тугруқ ва тугруқдан кейин, операция пайти ёки ундан сўнг даврда уларни қўллаш ман этилади;

3) ушбу ВО хасталиги ирсий касаллик бўлиб, наслдан наслга ўтади;

4) 91% беморларда гемостаз тизими гестация жараёнинга тайёр бўлмайди ёки ҳомиладорликка мувофиқлаша олмайди, натижаси-ҳомиладорликнинг 1-триместрида, тугруқдан кейинги 6-10 кунлар ва опе-

рациядан кейинги 6-13 суткаларида энг катта хавф тудириш хавфи пайдо бўлиб, қон кетишлар, барвақт бола ташлаш ёки сунъий abortларга сабаб бўлади.

Хусусан, турли муолажалар қилиниши керак бўлган беморларда тромбоцитлар даражаси ҳисобга олинади. Уларнинг қўйидаги миқдорларида у ёки бу жарроҳлик муолажаларни ўтказиш мумкин:

— Тишни олиш ёки бошқа муолажаларда тромбоцитлар сони  $>30*10^9/\text{л}$  миқдорга тенг бўлганда рухсат берилади;

— Стоматология муолажаларда  $>10*10^9/\text{л}$  да

— Кичик операцияларда  $>50*10^9/\text{л}$  да

— Катта режали операциялар да  $>80*10^9/\text{л}$  да бажарилади.

Даволаш жараёни ушбу касалликда, умуман, учтурга ажратилади:

1) Парентерал ёки назал йўл билан Десмопрессин препаратини қўллаш (касалликнинг 3-типида мумкин эмас!): вазопрессин аналоги бўлиб кучли антидуретик таъсир кўрсатади, заҳирдан ВО ва VIII омилни ажралиб чиқишини кучайтиради, қон оқиши вақтни қисқартради (албатта, фармакологик зиддиклар бўлмагандан берилади): 0,3мкг/кг вена ичига 50мл 0,9% NaCL эритмасига кўшиб 15-30 дақиқа давомида томчиланади ёки 1-4 томчидан 2-4 маҳал/суткасига томчилаб қўйилади.

2) Виллебранд омил ёки VIII омил концентратини қўллаш;

3) Қўшимча терапия тарзида: трапексамон кислотаси, эстрогенлар ва қон компонентлари билан ўринни босувчи терапияни ўтказиш [4,5].

Ҳомиладорлик, тугруқ ва тугруқдан кейинги даврларида ДВС-синдроми билан беморларни кузатиб бориши ва даволаш тактикаси.

Юқорида кўрсатганимиз, ДВС-синдроми-қон томирлар капиллярлари қамалига, тромбозларга ва геморрагияларга олиб келувчи қон ҳужайраларининг агрегацияси билан кенг тарқалган томир ичиди қон ивиб қолишидир. Унинг IV-босқичи мавжуд: I- босқич гиперкоагуляция ва қон ҳужайраларининг агрегацияси; II- босқич гипокоагуляцияга ўтиш (истеъмолга); III-босқичда геморрагик синдром ривожланиши билан қоннинг тўла ивимаслигига қадар чукур гипокоагуляция кузатилади; IV-босқич-оқибати тикланувчи босқич.

Унда гемостаз параметри бузилади ва босқичма босқич қўйидагича шиддатланиб бориб ҳомилага, ҳомиладор аёлга, тугруқни носоғлом ёки таҳдидли даврига ўтишига ва тугруқдан кейин асоратларни келиб чиқишига олиб келади [11,12].

## Гемостаз параметрларини динамик ўзгаришлари

Кўрсаткичлари	Норма	ДВС-синдромни босқичлари			
		I	II	III	IV
Тромбоцитлар (минг)	150-400	Нормада	$\leq 150$	$\leq 100$	
Қон ивиш вақти (дақикада)	5-10 дақ	$\leq 4$	$>10$	$12=20$	
Фибриноген (г/л)	2-4	$\leq 2$	$\leq 2$	$\leq 2$	
АЧТВ (сек)	25-30 сек	$\leq 28$	$>30$	$>35$	
Антитромбин III	80-120%	Нормада	$\leq 75$	$\leq 30-40$	
Этанолли синама	Манфий	+	+	$+/-$	
Протамин-сульфатли синама	Манфий	+	+	+	
XIII омил	80-120	$>130$	Нормада	$\leq 50$	
ПДФ (мкг/мл)	$\leq 2$	$> 20$	$>15-20$	$>10$	

Барча  
кўрсаткичлар  
қайта типланади

Хомиладорликни бошидан то охиригача ДВС фармакотерапиясида қўйида баён этиладиган хавфсиз фармакотерапия қоидаларига амал қилинади:

~ Гепаринотерапияни ўтказиша:

а) 5000 ЕДдан вена ичига ҳар 4 соатда юборилади ёки 15-30 ЕД ҳар 1кг тана вазнига ҳисобланиб узлуксиз томчиланади (даво миқдори 20000-60000 ЕД/сут);

б) ёки қорин териси остига суткасига 10000 ЕД дан 2-4 марта иннекция қилинади;

в) ДВС ни сурункали шаклида-кичик миқдор билан (то 1500 ЕД/сут) тромбинемияни профилактика қилиш учун буюрилади;

г) гепаринотерапиянинг хавфсизлиги назорат қилиниб турилади: овена ичига қўлланилганда ҳар 15-30 дақиқа қон ивиш вақти аниқланиб турилади, тери остига берилганда эса ҳар 4 соатда (миқдори мувофиқ деб баҳолаш учун қон ивиши вақти нормага қиёсан 2-3 марта остиб туриши керак); ошу мақсадда (бу маъқулроқ усул) АИТВ ва рекальцификацияни фаоллиширилган вақтини аниқлаш (1, 5-2, 5 баробарга ошган бўлади) ва тромбоэластографик қўлланилди, суткасига 3 маҳал амалга оширилади ва назорат қилинади.

Гепарин билан даволаш 1-2 ҳафта, баъзида кўрсатмалар бўлингандан то 12 ҳафтагача давом этади.

~ Плазмотерапия қоидалари: а) янги музлатилган плазма ишлатилади, у -25оС ли ҳарорат билан музлатгичда сақланади (акс ҳолда унинг асосий элементлари бўлган антитромбин III ва плазминоген фаолликлари сўнади);

б) муқобил бериш усули-вена ичига болюс ҳолида;

в) илк миқдори оғир ва ўткир ДВС-да 600-800 мл ҳар 6-8 соатда берилади ва унинг олдида албатта 2500 дан то 7500 ЕДгача етказилган миқдорда гепарин киритилади (плазма билан киритилаётган антитромбин III ни фаоллаштириб туриш мақсади);

г) кейинги кунларда суткасига 400 мл ёки 800 млдан 2-3 маҳал вена ичига қўйилади;

д) унинг хавфи -вирусли гепатит ва цитомегаловирусли инфекцияларини парентерал юқтириш хавфи мавжудлиги ҳисобланади.

~ Дезагрегантларни қўллаш қоидаси. Улар гемостазнинг тромбоцитлар бўғимига таъсир этмайди ёки уни муқобиллаштиради. Бу усулда уч хил турли дезагрегантлар қўлланилди: простагландинсингтаза ингибиторлари (аспирин, индометацин), аденилатцилаза фаоллаштирувчилари ва фосфодиэстераза ингибиторлари (курантил, трентал, никотин кислотаси ушловчи препаратлар, спазмолитиклар) ва мембрана турғунловчи антиагререгантлар (реополиглюкин, тивортин, реосорбилакт, ва бошқа пастмолекулали дексстранлар): оаспирин микромиқдор билан (кунига 60 мг ёки кун аро 0,3-0,5гдан берилади); окурантил 0,5% ли эритмаси 2 мл вена ичига ёки мушак ичига кунига 2-3 маҳал, ичишга эса 0,025г ҳар куни уч маҳал берилади; опапаверин 2%-ли эритмаси вена ичига ёки мушак ичига 2-3 маҳал кунига берилади; оно-шпа мушак ичига 2-3 маҳал 2 млдан буюрилади; отрендат 2%-ли эритмаси 5 мл миқдор билан 250-500мл глюкозани 5%-ли эритмасига кўшиб кунига 3 маҳал томчиланади ёки 0,1-0, 2 г дан ичилади; окомпламин 15%-ли эритмаси 2мл дан вена ичига ёки ичиш учун 0,3-0, 4гдан кунига уч маҳал буюрилади; оникотин кислотаси 0,05-0, 1г дан кунига 3 маҳал ичиш учун тайинланади; оРеополиглюкин 300-500 мл миқдорда, альбу-

минни 5-10%-ли эритмаси 200-400 мл дан вена ичига болюсланиб ёки томчиланиб буюрилади; оғир кўришилари тромбоцитлар агрегациясида дезагрегантлар комбинацияси қўлланилди ёки дезагрегант таъсирни олиш учун нитратлар, кальций антагонистлари, В-адреноблокаторлар, допамин, саримсоқ пиёз ва оддий пиёзлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

~ Плазмаферезни қўллаш қоидалари: а) Махсус оғир клиник вазият ДВС туфайли келиб чиқкан ҳоллардагина (ГСнинг ўта оғир тури, тўқималар парчаланиши, иммунокомплексли синдром) қўлланилди: 1000 мл плазма чиқарилиб, унинг ўрнига янги музлатилган плазма қўйилади ёки унга алмаштирилади;

б) Плазмаферез ҳар куни, айрим оғир ҳолатларда кунига 2 марта ўтказилади; в) ДВС ёнгил шаклида 2-3 кунда бир марта 1000 мл плазма эксфузияланади ва бунда янги музлатилган плазма ўринбосишига қуюлмайди, тузли эритмаларни киритиб туриш етарли бўлади;

~ Контрикал 40000-60000 ЕД ўртача суткалик миқдорда, трасилол-60000-80000 ЕД ўртача суткалик миқдорда ва гордокс 500000-1000000 ЕД ўртача суткалик миқдордан пасайтирилмасдан берилса ҳам самара олинади.

~ Тромблар лизисини қучайтирувчи препаратларни буюриш қоидалари: а) стрептолизин вена ичига томчиланиб 5000-8000ЕД/соат тезлик билан 4 соат давомида умумий миқдори 20000-40000 ЕД га етказиб берилади; б) Стрептокиназа вена ичига томчиланиб то 2000000-2500000 ЕД миқдоргача етказилиб 16-18 соат давомида қўйилади; в) Урокиназа-вена ичига томчиланиб 4000 ЕД ҳар бир килограмм тана вазни ҳисобидан 8-12 соат давомида томчиланади; г) эслаб қолиш керак: бу препаратларни фойдасидан хавфи кўпроқ яни, -V ва VIII омилни кескин ва шиддатли тарзда фаолликларини пасайтирадилар. Шунинг учун, ДВС қачонки йирик томирларда тромб шакллантириб кеч бошлаганидагина улар буюриладилар холос; д) иккита препарат ушбу салбий таъсирлардан холи: о Дефибротид - 15-40 мг/кг миқдорда вена ичига буюрилади; о Плазминогенни тўқимали фаоллаштирувчи препарат (альтеплаза) - 100 мг миқдорда вена ичига 3 соат давомида киритилади (томчиланади).

~ Барча симпатомиметиклар, допаминдан ташқари, қон ивишини ва тромбоцитлар агрегациясини қучайтишишади. Шу боис, ҳомиладорлик давридаги ДВС-синдромида улар ишлатитилмайди [13,15].

## ХУЛОСА

Ўрганиб чиқилган кенг ишлатилувчи тавсиялардан олинган умумий хуласалар шуки, кўрсатиб ўтилган комплекс даво дастури ДВС-ни келтириб чиқарувчи барча омилларини бартараф қилиб ёки патогенетик асосланган даволар уйғулаштирилиб олиб борилган тақдирда, ДВС ҳомиладор аёлга, ҳомилага, тугруққа ва чақалоқ ҳаётига хавфи чукурлашмайди ёки бартарафланиб, оқибати жиддий тус олмайди.

Никоҳдан олдин ва оила қуриш босқичида касаллик мавжудлиги аниқланиб асоратлар олдини олиш мақсадида: ушбу ташхис қўйилган беморлар орасида никоҳ ва оила қуриш мумкин эмас.

Қариндош-уруғлар орасида никоҳига йўл қўйилмаслик даркор, чунки бу никоҳдаги оиласаларда касаллик наслдан наслга ўтувчи оғир гомозиготли шакли

билин туғиладиган болалар хавфи жағон статистик маълумотлари юқори.

Демак, медикогенетик маслаҳат бериш ишларини ҚВП ва ШВП даражасида, маҳалла маслаҳатхоналарида ушбу касалликка мойиллиги бор оиласарда тиббий профилактика ишларни тизимли йўлга қўйиши талаб этилади ("даволашдан кўра олдини олиш мақбул ёки осон"принципида).

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Балуда В.П. Балуда М.В., Делнов И.И., Тельщуков И.И. Гемостаз тизими физиологияси //М. Медицина -1995; 190-241.
2. Баркаган А.Л. Геморрагик касалликлар ва синдромлар. //М. -1988; 476-520.
3. Кулаков В.И. Прошина И.В. Шошилинч түгруқни ўтказиш // Новгород, -1996; 201-258.
4. Кулаков В.И., Серов В.Н., Абубакирова А.М., Федерова Т.А. Акушерлиқда ва гинекологияда шиддатли терапия //М. -МИА -1998; 198-203.
5. Макаров О.И. Кондратьева Ч.С.. Клиник амалиётда гепаринни қўллаш //рус. тиб. журн, -1998; 6(3):165-166.
6. Панченко Е. П. Тромболитик воситалар //Клин. фармакол. терап, -1998; 87-90.
7. Смирнов О. В. Қон яратиш тизими касалликлари. //Ички касалликлар -М. -КАППА -1992; 2: 85-164.
8. Шехтман М.М. Ҳомиладорларда экстрагенитал патологиялар бўйича ҚЎЛЛАНМА. -/Москва Триад X -2008; 335-372.
9. Гадаев А. Умумий амалиёт врачлари учун мәъruzalar тўплами / "Мухаррир нашриёт" -Тошкент -2010; 912-927.
10. Баркаган З.С. Момот А.П. Гемостаз бузилишларини ташхисоти ва назоратли терапияси //М.: Ньюдиамед. -2001; 60-124.
11. Зубайров Д.М. Тромб ҳосил бўлиши жараёни ва қон ивишининг молекуляр асослари //Казань: ФЭН: -2000; 8-74.
12. Campbell C.R., Efendi J.L., Campbell J.H. Valcular smooth muscle cells/Jn; PanVascular Medicine //Eds; P. Lancer E.J. / Topol-Springer Ver., Berlin-Heideeberg N84-2002-part. 12/209-213.
13. Шулутко Б.И., Макаренко С.В. Ички касалликларни аниқлаш ва даволаш стандартлари. /"ЭЛБИ-СПБ". -Санкт-Петербург. -2007; 342-354.
14. Волкова М.А. Клиник онкогематология: врачлар учун қўлланма //М. А. Волкова таҳрири остида. -2-чи қайта нашри.- /М: Медицина. -2007; 1118-1119.
15. Бун, Николас А. Ички касалликлар Дэвидсон бўйича: ўқув қўлланмаси. Кардиология. Гематология: ўқув қўлланмаси / Николас А. Буна таҳрири остида ва б.к.. Инглизчадан таржима. -/М: ГЭОТАР-Медиа. -2009; 229-274.
16. Качковский М. А. Мамасолиев Н. С. Щукин Ю. В. Ички касалликлар. -/"Наманган" нашриёти. -2015; 411-413.
1. Baluda V.P. Baluda M.V, Delnov I.I., Telshukov I.I. Gemostaz tizimi fiziologiyasi //M. Meditsina 1995; 190-241.
2. Barkagan A.L. Gemorragik kasalliklar va sindromlar. //M. 1988; 476-520.
3. Kulakov V.I. Proshina I.V. Shoshilinch tug'ruqni o'tkazish // Novgorod, 1996; 201-258.
4. Kulakov V.I., Serov V.N., Abubakirova A.M., Federova T.A. Akusherlikda va ginekologiyada shiddatli terapiya //M. -MIA 1998; 198-203.
5. Makarov O.I. Kondrateva Ch.S.. Klinik amaliyotda geparinni qo'llash //rus. tib. журн, 1998; 6(3):165-166.
6. Panchenko E. P. Trombolitik vositalar //Klin. farmakol. terap, 1998; 87-90.
7. Smirnov O. V. Qon yaratish tizimi kasalliklari. //Ichki kasalliklar -M. -KAPPA -1992; 2: 85-164.
8. Shextman M.M. Homiladorlarda ekstragenital patologiyalar bo'yicha QO'LLANMA. -/Moskva Triad X 2008; 335-372.
9. Gadaev A. Umumiy amaliyot vrachlari uchun ma'ruzalar to'plami/ / "Muharrir nashriyot" -Toshkent 2010; 912-927.
10. Barkagan Z.S. Momot A.P. Gemostaz buzilishlarini tashxisoti va nazoratlari terapiysi //M.: Nyudjamed. 2001; 60-124.
11. Zubairov D.M. Tromb hosil bo'lishi jarayoni va qon ivishining molekulyar asoslari //Kazan: FEN: 2000; 8-74.
12. Sampvell S.R., Efendi J.L., Campbell J.H. Valcular smooth muscle cells/Jn; PanVascular Medicine //Eds; P. Lancer E.J. / Topol-Springer Ver., Berlin-Heideeberg N84-2002-part. 12/209-213.
13. Shulutko B.I., Makarenko S.V. Ichki kasalliklarni aniqlash va davalash standartlari. /"ELBI-SPB". -Sankt-Peterburg. 2007; 342-354.
14. Volkova M.A. Klinik onkogematologiya: vrachlar uchun qo'llanma //M. A. Volkova tahriri ostida. -2-chi qayta nashri.- /M: Meditsina. 2007; 1118-1119.
15. Bun, Nikolas A. Ichki kasalliklар Devidson bo'yicha: o'quv qo'llanmasi. Kardiologiya. Gematologiya: o'quv qo'llanmasi / Nikolas A. Buna tahriri ostida va b.q.. Inglizchadan tarjima. -/M: GEOTAR-Media. 2009; 229-274.
16. Kachkovskiy M. A. Mamasoliev N. S. SHukin YU. V. Ichki kasalliklar. -/"Namangan" nashriyoti. 2015; 411-413.

Келиб тушган вақти 04.05. 2019